

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 15-ҳадис

15- وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي جَمَاعَةٍ تَزِيدُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي سُوقِهِ وَبَيْتِهِ بَضْعًا وَعِشْرِينَ دَرَجَةً، وَذَلِكَ أَنَّ أَحَدَهُمْ إِذَا تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ، ثُمَّ أَتَى الْمَسْجِدَ لَا يُرِيدُ إِلَّا الصَّلَاةَ، لَا يَنْهَرُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ، لَمْ يَخْطُ خُطْوَةً إِلَّا رَفَعَ لَهُ بِهَا دَرَجَةً، وَخَطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ حَتَّى يَدْخُلَ الْمَسْجِدَ، فَإِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ كَانَ فِي الصَّلَاةِ مَا كَانَتْ الصَّلَاةُ هِيَ تَحْسِبُهُ، وَالْمَلَائِكَةُ يُصَلُّونَ عَلَى أَحَدِكُمْ مَا دَامَ فِي مَجْلِسِهِ الَّذِي صَلَّى فِيهِ، يُقُولُونَ: اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ، اللَّهُمَّ تَبَّ عَلَيْهِ، مَا لَمْ يُؤْذِ فِيهِ، مَا لَمْ يُحْدِثْ فِيهِ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ، وَهَذَا لَفْظُ مُسْلِمٍ [خ 477، م 649].

وَقَوْلُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَنْهَرُهُ» هُوَ بَفَتْحِ الْيَاءِ وَالْهَاءِ وَبِالزَّايِ: أَي يُخْرِجُهُ وَيُنْهَضُهُ.

15. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Кишининг жамоатда ўқиган намози уйда ва бозорда ўқиган намозидан йигирма неча даража ортиқ бўлади. Зотан, киши яхшилаб таҳорат қилиб, сўнг намознигина ирода қилиб фақат намоз сабабли, масжидга келса, масжидга киргунча ташлаган ҳар бир қадами билан бир даража кўтарилади, бир хатоси ўчирилади. Масжидга кирса, модомики уни намоз ушлаб турар экан, у намозда бўлади. Намоз ўқиган ўрнида экан, у ерда озор бермаса ва таҳорати синмаса, фаришталар: «Аллоҳим, унга раҳм қил! Аллоҳим, уни мағфират қил! Аллоҳим, унинг тавбасини қабул эт!» деб салавот айтиб туришади».

Муттафақун алайҳ. Бу лафз Муслимники.

Шарх: Ушбу ҳадиси шарифда жамоат намозининг фазилати очиқ-ойдин кўрсатилмоқда. Нима учун жамоат намози фазилат бўлиши ҳам баён қилинмоқда.

Жамоат билан намоз ўқиган одам ёлғиз ўзи намоз ўқиган одамга қараганда йигирма беш марта кўп савобга эга бўлар экан.

Бундоқ бўлишининг сабаби:

1. Жамоат намози ўқиган одам яхшилаб таҳорат қилиб, масжидга чиқади. Унинг нияти соф бўлади. Масжидга бора туриб жамоат намози ўқишдан бошқа мақсадни кўзламайди. Шунинг учун босган ҳар қадамида мартабаси бир даража кўтарилиб, бир гуноҳи ўчирилади.

2. Жамоат билан намозни ўқиб бўлиб, таҳоратини кетказмай намозгоҳида турса, фаришталар унга салавот айтадилар. Бу намозни уйида ёлғиз ўзи ўқиса, бундай бўлмас эди.

3. Жамоат намозини ўқиб бўлиб кейинги намозга интизор бўлса, худди намоз ўқиётган одамнинг савобини олади. Ўлғиз намоз ўқиган одам бунга эриша олмасди.

Демак, намозни жамоат билан ўқишнинг ўзиёқ киши оладиган савобларнинг ўз-ўзидан кўпайиб кетишига сабаб бўлар экан.

Шунинг учун жамоат намозидан қолмаслик керак, у ҳаётимиздан муносиб ўрин олмоғи керак.

Жамоат намозининг фазли гоҳида йигирма беш, (бошқа ривоятда: йигирма етти даража) устун бўлиши айтилган. Бундай фарқ масжиднинг узоқлиги, намозхоннинг ихлоси ёки имомнинг тақвосига боғлиқ бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам жамоат билан намоз ўқишнинг фазли беқиёс катта.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARI DLARI

